

**“БЕШАРИК ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Фарғона вилояти
Бешарик тумани
Бешарик кучаси № 7**

2020 йил 29 июнь

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Бешарик тумани Бешарик кучаси № 7-уйда “Бешарик пахта тозалаш А/Ж маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **13:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **13:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **14:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 463 488 донани ташкил этади.

“Бешарик пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2020 йил 21 майдаги 16/209-сонли таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгаши қарорига мувофиқ 2020 йил 29 июнь куни ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2020 йил 23 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси А.Маннонов йиғилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Юлдашев Бобур Ахмаджонович – Фарғона вилоят “Пахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси вакили;
2. Махкамов Абдухалим– жамият акциядори кузатув кенгаши аъзоси;
3. Абдуллаев Улугбек Адхамович – жамият акциядори кузатув кенгаши аъзоси;

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилишда раислик қилувчи этиб Б.Юлдашев ва йиғилиш котиби этиб П.Курбонов– жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш қатнашчиларини қутлаб, йиғилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси Г.Мўминовга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

“Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2020 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилган “Бешарик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 2167 та акциядорга тегишли 4 323 140 донна акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 3106559 донна овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядор (унинг

вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 71,9 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

К.Юлдашев—жамият Бош директори в.в.б;

Ш.Жураев—жамият тафтиш комиссияси аъзоси;

С.Эсонов —жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

С.Хожиакбаров— “ТТТ АУДИТ” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори;

А.Расулов —жамиятнинг ички аудитори.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 йилдаги фаолияти ҳамда бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини эшитиш.
4. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш.
5. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
6. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2019 йиллик ҳисоботини ва 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшитиш.
9. Жамиятнинг ўтган йиллардаги тақсимланмаган фойдаси ва 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
11. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
12. 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
13. Жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги ва “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомларни тасдиқлаш.
14. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.
15. Жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

16. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ҳомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатиغا олиб бориш.

17. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш.

18. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини таъкидлади.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2020 йил 01 июндаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Курбонов Пулатжон Юнусалиевич Ижро назорати ноziри – Мўминов Гайратжон Акбаралиевич Жамият газначиси Зулфикоров Музаффар, номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёклаганлар” – (100%) 3106559 та овоз; “Қаршилар” йук;
“Бетарафлар” – йук.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) П.Курбонов;
- 2) Г.Мўминов;
- 3) М.Зулфикоров.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 18 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига – 5-10 (беш-ўн)

дақиқа оралиғида муҳокама учун вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (100%) 3106559 та овоз; “Қаршилар” – йўқ
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамият Бош директори К.Юлдашев сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директор К.Юлдашев га тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан бош директорнинг 2019 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (27,7%) 862015 та овоз;
“Қаршилар” – (72,3%) 2244544 та овоз; “Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини тасдиқлаш масаласи бўйича қарши берилган овозлар купчиликни ташкил этганлиги сабабли кун тартибидаги ушбу масала бўйича қарор қабул қилмасдан қолдирилсин.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича жамият кузатув кенгаши аъзоси А.Маннонов сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот илова қилинади).

Ҳисоботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (100%) 3106559 та овоз; “Қаршилар” – йўқ;
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва Кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг

79-моддасига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тегишлича ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши тўғрисида маълумот берди.

Бундан сўнг, Б.Юлдашев ижроия органи раҳбари Юлдашев Комилжон Набиевич билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини бир йилга узайтириш масаласини йиғилиш иштирокчилари муҳокамасига киритди ҳамда акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу маласа юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (27,7%) 862015 ; “Қаршилар” (72,3%) – 2244544;
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Бешарик пахта тозалаш” акциядорлик жамияти бош директори Юлдашев Комилжон Набиевич ваколоти мазкур акциядорлар умумий йиғилишдан кейин ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлисигача узайтирилсин.

2. Мазкур умумий йиғилишдан кейин ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлисида “Фарғонапахтасаноат” ХАБнинг тавсия хати

инобатга олинган ҳолда, жамият ижроия органи раҳбари билан меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш ёки узайтирмаслик масаласи кўриб чиқилсин.

3. Жамият бош директори К.Юлдашев мазкур йиғилиш баённомасининг ушбу масала бўйича кўчирмасини ўн кун муддат ичида "Фарғонапахтасаноат" ХАБ га етказилишини таъминласин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича "ТТТ АУДИТ аудиторлик ташкилоти аудитори С.Хожиакбаров. сўзга чиқиб, жамиятнинг 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2020 йил 15 июндаги Миллий стандартларга мувофиқ ҳамда 2020 йил 22 июндаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаси билан йиғилиш иштирокчиларини таништирди.

"ТТТ АУДИТ" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хулосаларида "Беешарик пахта тозалаш" АЖнинг 2019 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Халқаро стандартларга мувофиқ келади.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича "ТТТ АУДИТ" аудиторлик ташкилотининг 2020 йил 15 июндаги Миллий стандартларга мувофиқ ҳамда 2020 йил 22 июндаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**"Ёқлаганлар" – (27,7%) 862015 ; "Қаршилар" –(72,3%) 2244544;
"Бетарафлар" – йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши **қарор қилади:**

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш масаласи бўйича қарши берилган овозлар кўпчилиқни ташкил этганлиги сабабли кун тартибидаги ушбу масала бўйича қарор қабул қилинмасдан қолдирилсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори С.Эсонов га сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи ва 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (йиллик ҳисобот ва бизнес-режа илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан жамиятнинг 2019 йиллик ҳисоботини ва 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (27,7%) 862015 ; “Қаршилар” –(72,3%) 2244544
“Бетарафлар” – йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2019 йиллик ҳисоботини ва 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича қарши берилган овозлар кўпчилиқни ташкил этганлиги сабабли кун тартибидаги ушбу масала бўйича қарор қабул қилинмасдан қолдирилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоси Ш.Азимов га сўз берди.

Ш.Азимов жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалиқ фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

**“Ёқлаганлар” – (27,7%) 862015 ; “Қаршилар” (72,3%)2244544;
“Бетарафлар” – йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1.Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалиқ фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг хулосасини тасдиқлаш масаласи бўйича қарши берилган овозлар кўпчилиқни ташкил этганлиги сабабли кун тартибидаги ушбу масала бўйича қарор қабул қилинмасдан қолдирилсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзни жамиятнинг бош ҳисобчиси С.Эсонов га берди.

С.Эсонов йиғилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништирди.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз 556 136 130 сўм миқдорда тузилади ва 2019 йил 01

июнь ҳолатига захира фонди 116 378 416 сўм, яъни устав капиталнинг 0.3 фоизини ташкил этади.

Жамият Уставида захира фондига белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдорида ажратмалар ўтказилиши белгиланганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон қарорини ва устав капиталида имтиёзли акция мавжудлигини инобатга олган ҳолда, жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 5 849 678 850 сўм соф фойдасини қуйидаги тартибда тақсимланиши бўйича акциядорлар умумий йиғилишига таклиф киритиш тавсия этилган:

- соф фойданинг 5 фоизи – 292 483 942 сўмни захира фондига;

- уставга кўра 2019 йил учун акция номинал қийматининг 15 фоиз миқдорида (акциянинг номинал қиймати 850 сўм*15% =127,5 сўмдан* 38712 дона) жами 4 935 780 сўмни жамият томонидан чиқарилган 38712 дона имтиёзли акциялардан дивиденд тўланишига;

- соф фойданинг 94,9 фоизи – 5 551 345 228 сўмни жамиятнинг устав фондидан унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтирилишига йўналтириш;

Жамиятнинг эски йиллар соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинган маблағ – 465 249 265 сўм, тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 2018 йилнинг 465 249 265 сўм, ҳамда жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 5 849 678 850 сўм, жами 6 314 928 115 сўмни 2020 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш таклифини билдирди.

Муҳокамадан сўнг йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (27,7%) 862015 та овоз; “Қаршилар” – (72,3) 2244544;

“Бетарафлар” – (0,05%) 186

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг эски йиллар соф фойдасидан акцияларни кейинги чиқарилишларда инобатга олинган маблағ – 465 249 265 сўм, тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 2018 йилнинг 465 249 265 сўм, ҳамда жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича 5 849 678 850 сўм, жами 6 314 928 115 сўмни тақсимлаш масаласи бўйича қарши берилган овозлар кўпчилиқни ташкил этганлиги сабабли кун тартибидаги ушбу масала бўйича қарор қабул қилинмасдан қолдирилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 2 244 544 дона акция эгаси Фарғона вилояти “Пахтасаноат” ХАБ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Фармонов Бахтиёр Боходирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти худудий бошқармаси Бошқарма булим

бошлиғи , Сатторов Шахзод Кахрамонович - Давлат активларини бошқариш агентлиғихузуридаги Лойиха офиси ходими, Исмоилов Саидбек Улугбекович “Узпахтасаноат” АЖ Бош-юрист консул Мирзаев Бахромжон Боходирович - “Узпахтасаноат” АЖ бош мутахасис Мадакимов Гайратжон Гуломжонович - Давлат активларини бошқариш агентлиғи Булим бошлиғи., Азимов Шавкат Хасанбоевич - "Минтақавий пахта терминали" МЧЖ Қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчи, Латипов Алиёр Шахриёрович – «Узпахтасаноат АЖ булим бошлиғи номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун тавсия этилган.

Жамият акциядорлари 44856 дона акци эгасия Маннонов Акрамжон 770800 дона акци эгаси “Sindbad plus” х/к рахбари Абдуллаев Улугбек Адхамович номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун тавсия этилиб кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Азимов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

Кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун тавсия этилган номзодлар

Фармонов Бахтиёр Боходирович.

“Ёқлаганлар” – 2885842 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Сатторов Шахзод Кахрамонович:

“Ёқлаганлар” – 2885842 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Исмоилов Саидбек Улугбекович:

“Ёқлаганлар” – 2885842 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Мирзаев Бахром Боходирович:

“Ёқлаганлар” – 285842 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Мадакимов Гайратжон Гуломжонович.:

“Ёқлаганлар” –2885842 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Азимов Шавкат Хасанбоевич:

“Ёқлаганлар” – 2885842 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ

Латипов Алиёр Шахриёрович:

“Ёқлаганлар” – 2885842 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ

Маннонов Акрамжон Акбарович

“Ёқлаганлар” – 3808764 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ

Абдуллаев Улугбек Адхамович.

“Ёқлаганлар” – 3808764 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига кўйидаги номзодлар сайлансин:

1. Фармонов Бахтиёр Боходирович - Давлат активларини бошқариш агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси Бошқарма бошлиғи ўринбосари;
2. Саттаров Шахзод Қахромонович - Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Лойиха офиси ходими;
3. Исмоилов Саидбек Улугбекови - "Ўзпахтасаноат" АЖ Бош мутахассиси;
4. Мирзаев Бахромжон боходирович - "Ўзпахтасаноат" АЖ Бош мутахассис;
5. Мадакимов Ғайратжон Ғуломжонович - Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлим бошлиғи;
6. Латипов Алиёр Шахриёрович – «Узпахтасаноат»АЖ бўлими бошлиғи;
7. Азимов Шавкат Хасанбоевич – "Минтақавий пахта терминали" МЧЖ Қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчи;
8. Маннонов Акрамжон Акбарович – Акциядор
9. Абдуллаев Улугбек Адхамович – "Sindbad plus" х/к раҳбари-Акциядор

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 2 244 544 дона акция эгаси Фарғона вилоят "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

1. Норматов Илхомжон Гопиржонович "Минтақавий пахта терминали" МЧЖ Бўлим бошлиғи,
2. Юлдашев Бобур Ахмаджонович "Минтақавий пахта терминали" МЧЖ Бош мутахассиси,
3. Жураев Шерзод Мамасодикович Минтақавий пахта терминали" МЧЖ бош ҳисобчиси.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
 "Ёқлаганлар" – (100%) 3106599 та овоз; "Қаршилар" – йўқ;
 "Бетарафлар" – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

Фарғона вилоят "Пахтасаноат" ҳудудий акциядорлик бирлашмаси томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. **Норматов Илхомжон Гопиржонович "Минтақавий пахта терминали" МЧЖ Бўлим бошлиғи,**
2. **Юлдашев Бобур Ахмаджонович "Минтақавий пахта терминали" МЧЖ Бош мутахассиси,**
3. **Жураев Шерзод Мамасодикович -"Минтақавий пахта терминали" МЧЖ бош ҳисобчиси.**

Кун тартибдаги ўн иккинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С.Эсонов. сўзга чиқиб, жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди.

Жамиятга қуйидаги аудиторлик ташкилотларидан таклифлар келиб тушган.

| Т/р | Аудиторлик ташкилотининг номи | Мурожаат санаси | Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм) | Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм) |
|-----|----------------------------------|-------------------------|--|---|
| 1 | "Marhamat-Audit" МЧЖ | 24.05.2020й №29-сон | 16000,0 | 16000,0 |
| 2 | "AUDIT-PROFESSIONAL PRAKTIK" МЧЖ | 25.05.2020й №107-сон | 17000,0 | 17000,0 |
| 3 | "TTT-AUDIT" МЧЖ | 25.05.2020й №88-сон | 11000,0 | 5000,0 |

Муҳокама давомида жамият акциядори А.Маннонов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташқи аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонунининг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳақли эмас. Юқорида кўрсатилган 3 та аудиторлик ташкилотлари кетма-кет уч йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит

стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

| № | Аудиторлик ташкилоти номи | Ўқлаб | қарши | бетараф |
|---|---|----------------------|-------|---------|
| 1 | “Marhamat-Audit” МЧЖ миллий стандарт бўйича - 16 000,0 минг, Халқаро стандарт бўйича - 16 000,0 минг сўм. | 0 | 0 | 0 |
| 2 | “AUDIT PROFESSIONAL PRAKTIK” МЧЖ миллий стандарт бўйича - 17 000,0 минг сўм, Халқаро стандарт бўйича - 17 000,0 минг сўм. | 0 | 0 | 0 |
| 3 | “ТТТ-AUDIT” МЧЖ миллий стандарт бўйича - 14 000,0 минг сўм, Халқаро стандарт бўйича -14 000,0 минг сўм. | 310655 9; 100% | 0 | 0 |

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 11000,0 минг сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ТТТ-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори 5000,0 минг сўм белгилансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда хулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомлари билан таништирди ва уларни тасдиқлаш таклифини киритди .

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорлардан мазкур масала бўйича, ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришлари сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ўқлаганлар” – (100%) 3106559 та овоз; “Қаршилар” – йук;

“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг янги тахрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомлар 1-, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-жамиятнинг янги тахрирдаги “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги, “Кузатув кенгаши тўғрисида”ги Низомларини жамият фаолиятига татбиқ этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 88-моддасига асосан жамиятнинг акциядорларнинг умумий йиғилиши аффилиланган шахс билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимни (битимларни) маъқуллаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақлилигини айтди ва акциядорлар эътиборига жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхатини ҳавола этди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100%) 3106559 та овоз; “Қаршилар” – йўқ;

“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзни жамият бош директори К.Юлдашев га сўз берди.

К.Юлдашев жамиятнинг 2019 йил яқунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – “ISHONCH LTD” МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2020 йил 01 июндаги

хулосани акциядорларга ўқиб эшиттирди. Хулосага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизимида камчиликлар аниқланган ва жамият корпоратив бошқарув тизими даражаси 388 баллга баҳоланган, яъни “қониқарли” деб эътироф этилган (хулоса илова қилинади).

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича чоралар кўриш ижроия органи зиммасига юклатилганлиги ҳақида маълумот берди.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорларга жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хулосани маълумот учун қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (100%) 3106559 та овоз; “Қаршилар” – Йук;
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятда 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича “ISHONCH LTD” МЧЖнинг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

- 2019 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли чораларни кўрсин ва бир ой муддат ичида жамият кузатув кенгашига йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш бўйича тузилган чора-тадбирларни киритсин;

- иш фаолиятида хато ва камчиликларига йўл қўйган раҳбар ва мутахассисларига тегишли жазо чораларини кўрсин ҳамда икки hafta муддат ичида кўрилган тегишли жазо чоралари тўғрисидаги ёзма маълумотни “Минтақавий пахта терминали” МЧЖга киритсин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзни жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори С.Эсонов га берди.

С.Эсонов жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган хомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди (*рўйхат илова қилинади*).

Муҳокамада жамият Бош директори К.Юлдашев иштирок этиб, ҳар бир хомийлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаб, 2019 йил давомида жами 1000 000 минг сўмлик хомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқланишини ҳамда жамият харажатига олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (27,7%) 862015; “Қаршилар” – (72,3) 2244544 та овоз;
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган хомийлик ва беғараз ёрдамлар жамият харажатиغا олиб бориш рад килинсин..

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев сўзни жамият Бош директори К.Юлдашевга берди.

К.Юлдашев сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари тахлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигида ишчи-гуруҳи тузилган ва мазкур ишчи-гуруҳининг хулосасига асосан 2020 йил 01 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 140.000 минг сўмлик дебиторлик ҳамда 0.00 минг сўмлик кредиторлик қарздорликлари мавжудлиги ҳақида маълумот берди (хулоса илова қилинади).

Муҳокамада йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев ушбу қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Кун тартибидаги йигирма биринчи масала юзасидан йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:
“Ёқлаганлар” – (27,7%) 862015; “Қаршилар” – (72,3%) 2244544 та овоз;
“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарздорликларини ҳисобдан чиқариш ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритиш рад килинсин

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилиш раиси сўзни жамият бош директори К.Юлдашев га берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 02/1-668-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сон қарорига мувофиқ пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан “Ўзпахтасаноат” АЖни

тугатиш бўйича “Йўл харита”сининг 1-банди “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссияси томонидан бажариладиган тадбирлар белгиланди.

Хусусан, “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги корхоналар ёки уларнинг активларини олиш истагини билдирган инвесторлар билан музокаралар ўтказиш, уларнинг таклифлари асосида объектнинг бошланғич нархини шакллантириш ва шу бошланғич шарт сифатида танлов савдоларига чиқариш, оммавий савдоларга икки ой муддат мобайнида таклиф этиш орқали Давлат тендер комиссияси қарори асосида сотиш чоралари кўриш “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига топширилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 8 майдаги “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатишни жадаллаштириш бўйича 383/01-08-сонли хати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги соҳавий ва носоҳавий активларни белгиланган тартибда сотишни ташкиллаштириш юзасидан берилган таклифларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан розилик (02/1-668-сонли, 11.05.2020 й.) олинди.

Шу муносабати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартиби тасдиқланди (тартиб нусҳаси илова қилинди).

Мазкур Тартиб “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг инвестиция портфелидаги акция (улуш)ларни, шунингдек улар балансидаги кўчмас мулк объектларини тасарруф этиш мезонлари ва сотиш жараёнларининг ягона қоидаларини белгилаш орқали уларни соддалаштириш асосида тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” ва унинг тизим корхоналарининг активларини тезкор сотилишини ташкиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарори, “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 11 майдаги 02/1-668-сонли топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари сотилиши ва самарали фойдаланишини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сонли хати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг активларини тасдиқланган Тартиб асосида оммавий савдоларга чиқарилишини, шу жумладан активларни оммавий савдоларга чиқариш масаласи бўйича тизим жамиятларининг бошқарув органлари қарорларини қабул қилиниши ташкиллаштириш, бошқарув органлари қарорлари қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддатда активларни оммавий савдоларга чиқарилишини таъминлаш сўралган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Фарғонапахтасаноат” ХАБ АЖ активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотишни ташкил қилиш юзасидан қуйидагилар таклиф этилди:

“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартибига асосан сотилишига розилик бериш;

Активларнинг сотилишини максимал ошқоралигини таъминлаш, шу жумладан:

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотларни (эълон, плакат, инфографика, ролик) етарли миқдорда тайёрлаш;

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотлардан барча манфаатдор шахслар хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш, бунда жамият жойлашган ҳудуд билан чегараланмаган ҳолда республика, имконият бўлса халқаро миқёсда тадбирларни амалга ошириш;

талабгорлардан таклифларни қабул қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланма маълумотларни “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига киритиб бориш;

Йиғилиш раиси Б.Юлдашев акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – (100%) 3106599 та овоз; “Қаршилар” – йўқ;

“Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сонли хати маълумот ва ишда фойдаланиш учун қабул қилинсин.

4. “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартибига асосан сотилишига розилик берилсин.

5. “Бешарик пахта тозалаш” АЖ бош директорига:

ўтказилган хатлов натижаларига кўра аниқланган активларнинг сотиш тартибини белгилаган ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратиш;

қиймати қонунчиликда белгиланган йирик битимни ташкил этувучи активларни (мол-мулк, акция (улуш) пакетлари)ни амалдаги

қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг ваколатли боошқарув органи қарорига асосан сотилишини таъминлаш;
активларнинг сотилишини максимал ошкоралигини таъминлаш,
шу жумладан:

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотларни (эълон, плакат, инфографика, ролик) етарли миқдорда тайёрлансин;
сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотлардан барча манфаатдор шахслар хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш, бунда жамият жойлашган ҳудуд билан чегараланмаган ҳолда республика, имконият бўлса халқаро миқёсда тадбирларни амалга оширилсин;
талабгорлардан таклифларни қабул қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланма маълумотларни "Ўзпахтасаноат" АЖ ҳамда "Фарғонапахтасаноат" ХАБ тугатиш комиссиясига киритиб бориш вазифалари топширилсин.


Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Б.Юлдашев акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:



Б.Юлдашев

Йиғилиш котиби:



П.Курбонов.

Йиғилиш баённомаси 2020 йил 8-июль куни икки нусxada тузилди.